



«КЕЛИШИЛГАН»

Янги тиббий техника кўмитаси раиси

Ф.Т.Холтоев

2021 й. "07" 01

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА "ХИЛО-ГЕЛЬ" юмшатувчи кўз томчилари, 10 мл дан

**Савдо номи:** ХИЛО-ГЕЛЬ

**Чиқарилиш шакли ва ҳажми:** кўз томчилари, 10мл

**Таркиби:**

гиалурон кислотасининг натрийли тузи 2 мг/мл, цитрат буфери, сорбитол, инъекция учун сув.

### Қўлланилиши

Доимий ва яққол ачишиш хисси, "қуруқлик", кўзларнинг сиртки қисмини, доимий ноқулай омиллар (тутун, шамол, ултрабинафша нурлар, кондиционер ҳавоси) таъсиридан келиб чиқадиган ёд жисмлар хисси, қум, кўзларни таъсирланиши ва чарчаши, контакт линзаларни тақиб юрганга дискамфорт, телевизорни узок вақт томоша қилиш ва компьютерда интенсив ишлаш, шунингдек офтальмологик операциялар, жарохатлар, кўзларни куйиши, шох парданинг шикастланишлари ва бошқа этиологияли "қуруқ кўз синдроми" (ёшга боғлиқ, фармакологик, гормонал, шу жумладан менопауза, аутоиммун (Съегрен синдромида) интенсив ва узок муддатли намлаб туриш учун қўлланилади.

### Хусусиятлари

ХИЛО-ГЕЛЬ гиалурон кислотасининг стерил сувли эритмаси, тўқималар ва организмдаги суюқликларда, шу жумладан кўз тўқималарида жойлашган табиий полисахаридни ўз ичига олади. Кимёвий тузилиши туфайли гиалурон кислотаси ўз оғирлигидан кўп марта оғир микдордаги сувни камраб олади ва ушлаб туради (гиалурон кислотасининг 1 молекуласи 200-500 сув молекуласини боғлайди). У жуда яхши намлантирувчи, шох пардани юзасини оптимал ёпишқоқлик ва узок вақт контактда бўлиш хусусиятига эга. Гиалурон кислотаси кўз ёши плёнкасини барқарорлигини оширади, кўзнинг юзасида намликни сақлайди, шунингдек эпителияни ҳимоя қилади ва регенерация жараёнларини фаоллаштириш қобилиятига эга.

ХИЛО-ГЕЛЬ шох парданинг юзасида бир текис, узок муддат намловчи плёнка ҳосил қилади ва кўзларни милтиратганда ювилиб кетмайди ва кўришни "хиралашиш"ни келтириб чиқармайди.

Натрий гиалуронатнинг юқори концентрацияси туфайли ХИЛО-ГЕЛЬ томчиларини қўллаш қуруқ кўз синдромининг турғун ва яққол "қуруқ кўзлар" синдромини намаён бўлишида даволашни сезиларли самараларига эришиш мумкин.

ХИЛО-ГЕЛЬ томчилари оригинал мультидозали "КОМОД" флакон-томчилагичларга жойланган, бу мураккаб резервуар ва клапанлар тизимидан ташкил топган бўлиб, у ташқи томонидан ҳаво кирмаслигини кафолатлайди ва қўлланиладиган босим даражасидан қатъий назар бир хил ўлчамдаги томчиларни тушишини таъминлайди.

Шунингдек қисман юпқа кумуш ионлари қатлами билан қопланган, металл қисмлари ва флакон клапанлари ХИЛО-ГЕЛЬ томчилари билан контактда бўлганда, бу тизимнинг мутлоқ зичлиги билан биргаликда консервантлар мавжуд бўлмаган тақдирда ХИЛО-ГЕЛЬ томчиларининг стериллигини таъминлайди.

ХИЛО-ГЕЛЬ таркибида фосфатлар мавжуд эмас, шунинг учун уни қўлланилганда кўриш қобилиятини ёмонлаштирадиган эримайдиган микрокристал бирикмалар ҳосил қилмайди, уни тўғридан-тўғри қаттиқ ёки юмшоқ контакт линзалар ўрнатилганда ҳам томишиш мумкин.

### Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

ХИЛО-ГЕЛЬ ни томчилардаги компонентларидан бирига индивидуал ўзлаштираолмасликда қўллаш мумкин эмас.

### Қўллаш усули ва дозалари


ХИЛО-ГЕЛЬ махсулотини ҳар бир кўзнинг конъюнктивал қопчасига кунига 3 марта 1 томчидан томизиш тавсия этилади. Зарурат бўлганида уни яна қўллаш мумкин.

ХИЛО-ГЕЛЬ ни томизиш тез-тезлигини Ўзингизни ҳис қилишингиздан қатъий назар ва шифокор-офтальмолог кўрсатмасига кўра индивидуал ўрнатилади. Агар Сиз ХИЛО-ГЕЛЬ ни жуда тез-тез қўлласангиз (масалан кунига 10 мартадан ортик), илтимос шифокор-офтальмолог билан маслаҳатлашиш зарур. Агар ХИЛО-ГЕЛЬ ни бир неча кун давомида қўлласангиз, шикоятлар ва ноқулайликлар сақланиб қолса, сиз шифокор-офтальмологга муурожаат этишингиз керак.

«КОМОД» тизими тахминан 300 томчига тўғри келадиган, ва энг тежамли дозалашга ҳисса қўшадиган 10 мл ХИЛО-ГЕЛЬ эритмасини ўз ичига олади ва чиқариб олишга имконини беради.

### Қўллаш схемаси


#### 1 босқич



Ҳар қўллашдан олдин ҳимоя қопоғини ечиш зарур (1 расмга қаранг).

1 расм.


#### 2 босқич



ХИЛО-ГЕЛЬ махсулотини биринчи бор қўллашдан олдин флакон томчилатгични тепага қаратиб айлантиринг. Тагидан бош бармоқлар билан ушлаб турган ҳолда, ўрта ва кўрсатиш бармоқлар билан унинг асоси қисмига бир неча бор босинг, томчилатгич учидан биринчи томчилар чиққунига қадар (2 расмга қаранг). Шундан сўнг тизим қўлланилишга тайёр. Томчилатгич клапанлар тизимининг асосий контрукцияси уни флакон асосий қисмига қўлланиладиган босимдан қатъий назар, ҳар доим тегишли бир хил ўлчамдаги томчиларни чиқариб олишга ва унинг чиқарилиш тезлигини таъминлайди.

2 расм.


#### 3 босқич



3 расмда кўрсатилганидек қулайлик учун ХИЛО-ГЕЛЬ флаконларини ушлаб турган қўлингизни, бошқа қўлингиз билан ушлаб турушингиз мумкин.

3 расм.


#### 4 босқич



Бошингизни бироз орқага ташлаб, бармоқларингиз билан пастки ковоғингизни бир оз итаринг ва юқорида тарифлаб ўтилгандек конъюктива қопчасига бир томчидан томизинг (4 расмга қаранг). Кўзларингизни секин-аста юминг, бу суюқликни кўзнинг юзасида бир текис тақсимланиши учун имкон беринг.

4 расм.

5 босқич



Муолажа тугаганидан сўнг дархол томчилатгичга химоя қалпоқчасини зич ёпинг (5 расмга қаранг).

Томизаётганда томчилатгич учи кўз юзасига ва тери билан контактда бўлишидан сақланинг.

5 расм.

### **Ҳомиладорлик ва лактация**

Тизимли фармакологик таъсири ХИЛО-ГЕЛЬ кўз томчиларига хос эмаслиги сабабли, бироқ ҳомиладорлик ва лактация даврида махсулотни қўллаш бўйича назорат қилинган клиник тадқиқотлар ўтказилмаганлиги сабабли, ХИЛО-ГЕЛЬ кўз томчиларини эҳтиёткорлик билан қўллаш тавсия этилади.

### **Ножўя таъсирлари**

ХИЛО-ГЕЛЬ томчилари консервантлар сақламаслиги сабабли, хаттоки уни узоқ муддат қўлланилганда ҳам яхши ўзлаштирилади. Ўта юқори сезувчанлик реакциялари, масалан ачишиш ёки кўз ёш оқиши холатлари ҳақида жуда кам хабарлар берилган, улар томчиларни қўллашни бекор қилингандан сўнг дархол ўтиб кетган.

### **Бошқа воситалар билан ўзаро таъсири**

Бошқа офтальмологик томчилар ёки суртмалар ХИЛО-ГЕЛЬ томизилганидан сўнг 30 минут ўтгача қўлланилиши лозим.

### **Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароатда сақлансин.

Болалар ололмайдиған жойда сақлансин.

### **Яроқлилик муддати**

3 йил.

ХИЛО-ГЕЛЬ кўз томчилари очилганидан сўнг флакон-томчилатгичларни 6 ой давомида қўллаш тавсия этилади.

ХИЛО-ГЕЛЬ махсулотини биринчи бор томизганингиздан сўнг Сиз флаконга унинг санасини белгилаб қўйишингиз керак. Флакон ёрлиғида пациент тўлдириш учун махсус устун мавжуд: “Биринчи бор қўллаш санаси”.

Ўраида кўрсатиб ўтилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланилмасин.

**Ўрами**

10 мл ХИЛО-ГЕЛЬ эритмасини оригинал пластик флакон-томчилатгичлари, тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

**Ишлаб чиқарувчи:**

Урсафарм Арцнаймиттель ГмбХ (URSAPHARM Arzneimittel GmbH).  
Индустриштрассе 35,66129 Саарбрюкен, Германия (Industriesstraße 35. 66129 Saarbrücken, Germany).